



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 август, сешанба №113 (945)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи, деб эъзоз - ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Ислол КАРИМОВ



1991-2000 ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

Ким эдигу, ким бўлдик?

ҲАР ЕРДА БИР ЎЗГАРИШ

Тўлаган РУСТАМОВ - Акмал Икромов тумани Қорёғди маҳалла жамоатчилик маркази раиси:

Маънавиятимиз юлдузларидан бири Алихон Соғуний шундай деган эдилар: «Дунёда яшайдиган ҳар бир кишининг қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчиси жони, кейинчилари дини, тили, оиласи ва она Ватандир». Узоқ йиллар биз буюк алломаларимизнинг ана шундай қутлуг сабоқларидан айро яшадик. Тўғрироғи, кимнинг авлоди эканлигимизни билмай тарбияландик. Бировнинг тарбияси, маърифати-маънавияти, ўзи учун қанчалик азиз саналмасин, бизга ёт ва омонат эди. Замон тақозоси билан уни ҳар қанча маҳорат билан ўзлаштирмайлик ўзганинг одати бизга вафо қилмади. Турмушимиздан файз кетди, рўзгоримизга барак инмади. Меҳр билан тарбияланган фарзандлар бемехр, ўтмиши ва келажағига, тили-динига эътиборсиз бўлиб ўсди. Хуллас, тушуниб етдикки, тарихи дину иймонидан, тилидан айрилган халқнинг келажағи бўлмайд.

Шукри, мустақиллик туфайли, дину диёнатга йўл очилди, Иймон қалбларимизни ёритди, кимлигимизни англадик...

Жаҳон узра ўзбек, Ўзбекистон деган номлар қайта тикланди. Ўтган 9 йил нафақат мамлакатимиз учун, балки ҳар бир юртоғимиз учун синов онлари бўлди. Эркин, Озодликнинг жон қадр азиз ва муборак эканлигини дилдан туйдик. Байроғимиз ўзбекнинг номи ва шони бўлиб юксалганда қаддимиз тикланди, руҳимиз ўсди, Хумо куши акс этган туғғомиз теграсида бирлашиб, биргалашиб яхлит бир миллатга айландик, ўз Конституциямиз, қонунларимиз ўзлгимизни ҳимоя қилмоқда.

Ҳар қишлоқда бир ўзгариш, ҳар гузарда янгиликлар, яшариш. Айниқса, одамларимиз тафаккурдаги ўзгариш, маънавий юксалишни айтмайсизми? Халқимиз тақдири, ҳаёти бундан кейин мустақиллик билан чамбарчас боғлиқлигини тийран англадик. Мустақилликни ҳимоя қилишимиз, асрашимиз, мустақамлашимиз зарурлигини тушуниб етдик. Маҳалламизда, ҳар бир оилада бир янгилик. Кимдир тадбиркор, кимдир ишбилармон, ким чет элга кетаяпти, ёшларимиз камолига ҳавасинг келади. Ўтган тўққиз йилда бир умрга кўрмаган эъзозни

кўрдик. Мустақиллик маҳалламизга янги чирой бахш этди. Янги савдо расталари, новвойхоналар, дорихона, мактаб, болалар боғчалари, автосервислар ишга тушди. Гузаримиз қайта тикланмоқда. Маҳалламиз фаоллари савобли ишларимизга ҳомийлик қилмоқдалар. Истиқлол умримизга умр қўшиб, хонадонларимизга файз киритмоқда.

И.САЙДАКБЕРОВА - Тошкент шаҳар Давлат Архиви директори:

Мустақиллик ўзини шу Ватан, эл фарзанди деб билган ҳар бир инсон ҳаётида чуқур из қолдирди. Буни мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, иқтисодий юксалиш, сиёсий барқарорлик билангина ўлчайдиган бўлсак, бир ёқлама фикр юритган бўламиз. Мустақиллик аввало ҳар биримизнинг тафаккуримизда, маънавиятимизда, қолаверса, юрагимизда нурли йўлни очди. Биз кимлигимизни танидик.

Маълумки, архивлар ҳақиқат кўзгуси, тарихнинг ҳақ каломидир. Биз ана шу ҳақиқатни юзага чиқариш, адолатни тиклаш учун сидқидилдан ишлашга ҳаракат қилаёلمиз. Ватан ва халқ озодлиғи йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида Президент Фармони ва ҳукумат қарори чиққандан сўнг бизга мурожаат қилаётганлар сони бир неча юз баробарга кўпайди. Қатағон қурбонларининг қариндош-уруғлари, неварачеваралари шўро даврида мол-мулкдан, уй-жойидан маҳрум этилган яқинлари ҳақида далилий ҳужжатлар талаб қилишади. Юрт озодлиғи, истиқлоли йўлида ҳалок бўлган, азият чекканлар шунчалик кўпки, уларнинг ҳар бири бир тарих, бир китоб. Улар ҳаётини ўқиб-ўрганганининг сари Озодлигимиз нақадар машаққатлар эвазига қўлга киритилганини ҳис қиласан киши.

Мустақиллик туфайли тарихнинг саргайган, асл саҳифалари эл мултига айланди. Боболаримиз чин ватанпарварлар эканлигини, оталаримиз маърифатли инсонлар бўлишганини далиллар исобтламоқда. Боболаримиз шаъни-шавкати қайта тикланиб, руҳлари шод этилмоқда. «Хотира» хиёбонлари барпо этилиб, номлари абадийлаштирилди. Буларнинг бари Мустақиллик туфайлидир.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОЖИКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРА ХУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Шу йил август ойининг бошларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Тожикистоннинг Сурхондарё вилоятига чегарадеш хуудларда босқинчи террорчилар гуруҳларининг Саросиё ва Узун туманларининг ўтиш қийин бўлган тоғли хуудларда ўрнашиб олиш мақсадида тўпланётгани тўғрисидаги хабарлар кела бошлади.

Маъмур хабарлар қайта текшириш жараёнида тасдиқланди. Тожикистон хуудидан кириб келаятган ушбу террорчи гуруҳларнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси хуудидида кўпурвучлик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғларни олиб ўтиш йўлларидаги чегара туманларида ўтиш базалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ва озик-овқат омборларини ташкил этишдан иборат бўлган.

Босқинчилар гуруҳлари бунда ўтиш қийин бўлган, шароити мураккаб тоғли жойлар, 4000 метр баланликдаги довулар, даралар ва табиий горлардан фойдаланган. Маъмур хуудларда аҳоли жуда сийрак жойлашган бўлиб, айрим тоғ қишлоқларида 15 дан 30 тагача оила истиқомат қилади.

Тоғ сўқмоқлари контрабандачилар ва наркотик моддалар билан савдо қилувчилар томонидан олдидан ўзлаштирилган, қурол-яроғ захиралари яратилган.

Босқинчилар гуруҳлари тахминан 70-100 кишидан иборат бўлиб, улар, олинган аниқ маълумотлар, шунингдек радио хабарларга кўра, Афғонистон хуудидидаги кўпурвучлик марказларида ҳар томонлама тайёрлашдан ўтган. Босқинчилар замонавий қурол-яроғлар, мерганлик қуроллари, тунда кўриш асбоблари ва гранотометлар билан яхши таъминланган.

Қайта текширув талаб этиладиган маълумотларга кўра, Тожикистондаги муайян кўчаларда ушбу босқинчилар гуруҳларининг Ўзбекистон хуудидида ўтиш учун шарт-шароит яратиб берган.

Хозирги пайтда Тожикистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари билан биргаликда ушбу босқинчилар гуруҳлари қуршаб олинган. Уларни йўқ қилиб ташлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари, шунингдек, Ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Тинч аҳоли қуршаб олинган хууддан олиб чиқилди. Аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳалок бўлганлар бор.

(Ўза).

Қорақалпоғистон Республикаси мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида

Мамлакатимиз ҳақиқий мустақилликни қўлга киритгач, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам халқ ҳўжалигининг янги-янги тармоқлари вужудга келди ёки ишлаб чиқариш корхоналари кенгайди, қуввати ортди, баъзилари хориж технологиялари асосида ишлай бошлади. Хоразм воҳасида ягона ҳисобланган Қоратоғ ва Жумуртовдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бирлашмада ҳам мустақиллик йиллари таниб бўлмас даражада ўзгаришлар юз берди.

Амударё тумани хуудидида жойлашган маъмур ҳиссадорлик жамиятининг аҳил жамоаси асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қурилиш иншоотлари учун энг зарур хом ашё — ҳар хил ҳажмдаги майдаланган тошларни етказиб беради. Корхона таркибига кирган иккита гишт ва иккита тош майдалаш заводлари Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Қоратоғ ҳамда чап қирғоғидаги Жумуртовда жойлашган. Кейинги икки-уч йилда бирлашма ҳиссадорлари оҳақ, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Демак, ҳиссадорлар ҳақли равишда гуруҳларига арзийдиган жиҳат - қурилиш учун тайёрланадиган маҳсулотлар етти турга кўпайди, сифати яхшиланди. Буни бу ерга келаятган буюртмачилар сони йил сайин ортиб

ТОЛЕИ КУЛГАН ЙИГИТЛАР

бораётганидан ҳам билиб олиш мумкин. Қурилиш нони қони ҳисобланган Қоратоғ ва Жумуртовнинг мураккаб об-ҳаво шароитида астойдил меҳнат қилаётган жамоа аъзолари мустақилликнинг 9 йиллигини муносиб соғвалар билан қутиб олиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқишган. Хозир ана шу асосда бир маромда яратувчанлик меҳнати давом қилаёттир. Мақсад - мустақиллик байрамигача буюртмачиларга камида 45 миллион сўмлик қурилиш материаллари етказиб беришдан иборатдир. Жумуртов ва Қоратоғ қўйнидаги қонларда ишлаётган жамоалар ўтган йилни ҳам кўтарин-

ки руҳда, яхши натижалар билан яқунлаган эди. Яъни, буюртмачиларга 73 миллион сўмлик қурилиш материаллари етказиб берилди. Олинган соф фойда эса салкам 8 миллион сўмни ташкил қилди. Юқори кўрсаткичларга эришишда ишлаётганларга барча шарт-шароитларнинг яратилиши асосий сабабдир.

Бирлашмада 200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Уларга қунига бир марта арзонлаштирилган тушлик овқат берилади. Ҳиссадорларнинг ишга бориш ва қайтишлари учун махсус автотулов ажратилган. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, яхши ишлаб қувонarli натижаларга эришиш тўғрисида ҳиссадорлар ўтган йил яқунларига кўра дурустгина дивидент олишди.

Бирлашма бош директори Исмоил Юсуповдан ишлаб чиқариш илгорлари хусусида фикр билдиришни илтимос қилганимизда, у киши қурилиш устаси Шукурулло Тожи-

ев тўғрисида айниқса илиқ гапларни айтди. Ҳақиқатан ҳам Қоратоғ қўйнидаги энг юқори сифатли тошларни майдалаб, саралаб берадиган агрегатларни моҳирона бошқарадиган уста шогирдлар тайёрлашда ҳам толеи кулган йигитлардан экан. Унинг ўнлаб шогирдлари шу кунда мустақил уста сифатида бирлашмада фаолият кўрсатаёттир. Бу ерда ишлаб чиқариш бўлими раҳбарлари Эргаш Қалимбетов, Баходир Тўрабоевлар ҳам жамоа аъзоларини байрамни муносиб қарши олишга руҳлантиряптилар.

Бизнинг Қоратоғдаги-дек қурилиш материаллари учун ўта зарур, пишиқ тоғ қонини бошқа ерда топиш амримахол, - дейишади улар. Дарҳақиқат, Қоратоғ - «қурилиш нони» бўлган хом ашёга - цементбоп тошларга ҳам қондир. Шунинг учун кўпгина хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар, жумладан, Жанубий Кореяликлар бу ерда бўлиб, цемент ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил қилиш режасини тузиб кетишди. Бу демакки, Қоратоғда ҳадемай цемент ишлаб чиқарувчи қудратли қўшма корхоналар бунёд этилади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Қадрият

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ЭҲТИРОМ

ла фаоллари билан ҳам вақти билан шаҳар ва туман судьялари, ҳуқуқий маслаҳатчилар, прокуратура ходимлари марказга келиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Қувонарлиси, одамлар шуурида қонун билан ишлаш ва фаолиятини бошлашдан олдин у қонун талабларига мос келадими-йўқми, уни билиш, ҳақ-ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш қуниқмалари шу марказ орқали шаклланимоқда. Ҳолбуки, авваллари бундай марказлар бўлмаганлиги боис, аҳоли ва ҳуқуқ-тартиб муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик анча суст эди.

Бундан ташқари мактаб, ўқув муассасалари ва колледжларда ҳам ҳуқуқий дарслар ташкил этилган. Бир соатли дарс сабоқлари жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликда ўқувчилар билан мулоқотлар ўтказилиши ҳам одат тусига кирган.

Ҳўш, булардан кўзланган мақсад нима, деган саволнинг туғилиши табиий. Шу ўринда юртимиз раҳбарининг «Аҳолини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард-натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзга келтириш гоят муҳимдир» деган сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, илгарилари фақат битта йўналишга мувофиқлаштирилган айрим қонунлар халқ ва ҳуқуқ-тартиб идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишга имкон бермасди. Аниқроқ айтганда бўлсак, маъмур муассасаларнинг ўзи ҳам ҳимояга муҳтож эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча тармоқ

қаторида ҳуқуқ-тартибот органларининг эркин ишлашларига ҳам шароит яратилди. Эътиборни яна бир нарсасига жалб этмоқчиман: Республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун киритилди. Бу ҳам суд тизимида эътибор, унинг эркин ишлашига ка-сифолатлардан биридир.

Агар эсласангиз, гапнинг ростки, одамлар бизнинг идораларга мурожаат қилишдан чўчишарди. Улар шуурида «судга, ёхуд прокуратурага ишинг тушдими, қутиломайсан» деган тушунчалар ўрнашиб қолганди. Ваҳоланки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишга имкон бермасди. Аниқроқ айтганда бўлсак, маъмур муассасаларнинг ўзи ҳам ҳимояга муҳтож эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча тармоқ

даги қонунларимиз нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам ўзига ҳос ўрин тутади. Улар юртимиз фуқаролари ҳам ҳақ-ҳуқуқини чет элларда муҳофаза қилиши билан аҳамият касб этади. Ҳўш, бу улуг неъматлар истиқлол туфайли эмасми? Шундай экан, мустақилликка путур етказиш, уни камситиш, менсимаслик, таҳқирлаш ва унга хавф-хатар туғдириш ҳолатларини ҳар биримиз ўз шаънимизга ҳақорат деб билмоғимиз лозим. Тўғри, ҳали олдинда қилиниши керак бўлган ишларимиз жуда кўп. Лекин энг асосийси фуқаролик жамияти пойдевори барпо этилди. Насиб этса, унинг таъзимини янада мустақам бўлади.

Отабек РАҲИМОВ, Оҳангарон шаҳар суди раиси.

Ислоҳот инсон учун

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бундан бир неча йиллар муқаддам кўп жойда бўлганидек, Олмалик шаҳридаги давлат ва хусусийлашган корхоналарда, эндигина иш бошлаган ишлаб чиқариш фирмаларида молиявий қийинчиликлар, хомашё тақчилликлари юзага келган, бу эса ўша пайтда ишчи ўринларининг қисқаришига сабаб бўлган эди. Хўш, аҳволни ўнглаш учун қандай чоралар кўрилди?

чиқ қорхонасидир. Биз билан тузилган шартномага биноан давлат банки меҳнат бўлими фон-

Аҳолини иш билан таъминлаш бўлимига июн ойида 257 киши иш сўраб мурожаат этди. Улар турли касб эгалари, асосий қисми аёллар ва ёшлар бўлиб, кўпи ўзи танлаган соҳа бўйича малакали ихтисосликка эга эмас эди. Ўша ойнанинг ўзида мурожаат этганларнинг 136 нафари ишга жойлаштирилди, 25 нафарига нафақа тайинланди.

Шунинг учун 103 нафар киши касб ўрганиши, малакасини ошириш, қайта ўқиши учун йўланма олди. Ўқишга юборилганлар 10 хил мутахассисликни ўрганишди. Ярим йилда ана шу мақсадлар учун 270 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Касб ўргатиш қорхона ва ташкилотларнинг, кичик ва ўрта бизнес тармоқларининг талаб ва сўровлари асосида танланган. Касб ўрганаётганлар ўқишни тугатгач, йўланма асосида ишга жойлашадилар. Бизда яна бир тоифа кишилар рўйхатга олинган. Улар 157 нафар бўлиб, тақлиф этилган ишга ёки касб ўргатувчи ўқув юрталарига боришни хохламаган фуқаролардир. Уларнинг кўрсатган важлари меҳнат бўлимининг ҳайъат кенгаши томонидан асосли, деб топилса «иш-сиз» мақоми берилди ва ишсизлик нафақаси тайинланади. Олти ойда ана шундай нафақалар учун 231 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ижтимоий ҳимоянинг ушбу турида рўйхатга олинган бу кишилар ҳам тез орада ишга жойлашадилар.

Булардан ташқари кичик ва ўрта бизнес тармоқлари ҳам ташаббус кўрсатиб, янги иш ўринлари яратиш ва касбга ўргатиш курсларини ташкил этмоқдалар. Биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ана шундайлардан бири «Меҳринисо» хусусий ки-



дидан 2 миллион сўм кредит олишга кўмаклашдик. Бўлимимиз ходимлари ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қиладилар. Ҳозир «Меҳринисо» кичик қорхонасида 10 нафар қиз малакали мутахассислар томонидан тикувчилик касбига ўргатилмоқда.

Ўзининг 9 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган мустақил Ўзбекистонимизда ҳар бир фуқаронинг фаровон турмуш кечириши учун имкониятлар яратилган. Аҳолининг кам даромадли қисми кучли ижтимоий ҳимояга олинган.

Мирзахмад АХМЕДОВ, Олмалик шаҳар ҳокимлиги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Ижтимоий ҳимоя

БИЗНИНГ МАҲАЛЛА

Илгариги юқоридан кўрсатма беришга ва бошқаришга асосланган тузум даврида одамларнинг фикри билан ҳеч қим ҳисоблашмасди. Фақат республикамиз мустақилликка эришгандан кейингина ўз-ўзини бошқарувнинг аҳамияти тан олинди. Демократиянинг асосий тамойилларидан бири ҳам шундан иборатдир.

Бу ерда пойабзал устахонаси, сартарошхона, тиббиёт маскани, рўзгор асбоблари устахонаси, кутубхона, урсонийлар чойхонаси жойлашди. Эндиликда новвойхона ва қасобхона қурилмоқда. Яқин вақтларда маҳалла ихтиёридаги 200 ўринли клубни таъмирлашни бошлаймиз.

йиллар илгари экилган теракларни сотиш эвазига маҳалла фондида маблағ пайдо бўлди.

Кишлоқ аҳли жуда кўп нарса ўзларига боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Шу сабаб Хотира ва Қадрлар кунлари арафасида қабристон ва унинг атрофлари ободонлаштирилди. Дарвозадан киларавирида алоҳида иморат қурилди, ҳовуз қазилди, атрофига дарахт ўтказилди. Маҳалла ихтиёрида кичик бор. Бундан ташқари кўп

Ана шу ҳисобдан 20 дан зиёд кам таъминланган оилага доимий моддий ёрдам бериб келинаёпти. Турли ибратли, тарбиявий тадбирлар ўтказилмоқда. Сув насоси таъмирланди. Бу ишларга фаолларимиз Тельман Нағмидинов, Тўхташ Ҳамроев, Эшқул Тўхташев, Зулайхо Исмоиловалар бош-қош бўлишмоқда.

Яқинда маҳалла фаолларининг йиғилишида оқсоқолларимиз жуда муҳим масалани кўтаришди. Сир эмаски, кишлоқларда ишсизлар бор. Улар учун иш жойлари ташкил қилиш за-

рур бўлиб турибди. Ўзаро фикрлашиб, мавжуд деҳқон ва фермер хўжалиқлари, кишлоқ тадбиркорларига, туман раҳбарларига ўз тақлифларини бердик. Ишлар ҳам бошлаб юборилди.

Биз «халқнинг катта қудрати бор» деган сўзларда нақадар чуқур маъно мужассам эканлигига кўп бор амин бўлдик. Зеро, халқ билан бирга бўлиш жуда муҳим ва мақсадга эришишнинг кафолатли омилдир.

У.ЖАБОРОВ, Пахтачи туманидаги «Пўлатчи» маҳалла кўмитаси раиси.

Қашқадарёнинг жануби-ғарбида жойлашган Авазчўл дўлларида 2000 йилнинг дастлабки ҳосили нишон берди. Бу хабар баъзи бировлар учун бироз ғалати туюлиши мумкин, зеро мазкур ҳудудда авваллари ҳеч қачон пахта этиштирилмаган эди.

АВАЗЧЎЛДА ОЛТИН УНДИ

— Фафур Фулом номли давлат наслчилик қорақўлчилик хўжалик заводи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ходими Мамат ҳожи Жумагулов ушбу янгиликнинг ташаббускори бўлди, деди «Туркистон-пресс» агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида Усмон Юсупов туманининг ҳокими Ёрқул Турсунов, — Авазчўл меҳнатқашлари чорвангига эмас, балки пахта этиштиришнинг ҳам усталари эканлигини амалда исбот қилдилар.

Авазчўлликлар ўтган йили 90 гектар майдонда оқ олтин этиштирган эдилар. Ҳосилдорлик гектаридан деярли 30 центнерни ташкил этганди. Бу чўл ҳудуди учун жуда яхши кўрсаткич эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак.

Қорақўлшунос пахтакорлар мазкур йилда оқ олтин майдонларига яна ўн гектар қўшдилар. Ўтган йили янги соҳадан деярли 15 миллион сўм фойда олиниб, соф даромад 3 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу йилги ҳосилнинг чўғи эса авазчўлликлар аввалги йилга нисбатан анча кўп даромаднинг қўлга киритажакларидан дарак бериб турибди.

МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Вилоятимизнинг тоғ ва тоғодол сўлим масканларида 18 та, мактаблар қошида 42 та болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёз мавсумида 26050 нафар ўғил-қизлар дам олиб, даволанишлари режалаштирилган. Ушбу масканларнинг ҳаммаси касабга уюшмалари маблағи ҳисобидан очилган бўлиб, малакали тарбиячи ва бошқа ходимлар жалб этилди. Шунингдек, озик-овқат ва бошқа таъминот узлуксизлиги таъминланган.

Вилоятдаги барча оромгоҳларро спартакиада ўтказиш аънамага айланиб қолган. Ушбу беллашуларда голиб чиққанлар турли хил совғалар билан тақдирландилар. Бу йилги мавсумда ҳафтанинг биринчи яшанбаси ота-оналар кунини, деб белгиланган. Ушбу кунда ота-оналар оромгоҳларда бўлишиб, фарзандлари учун яратилган шароит, кун тартиби, болаларнинг овқатланишлари, тиббиёт хоналари иши ва бошқалар билан танишиб, ўзларининг фикр-тақлифларини билдиришлари мумкин бўлади.

Бугунги кунда қурилиш ходимлари касабга уюшмаси тизимига қарашли «Гўзал», Ёқилги ва энергетика ходимлари касабга уюшмасига қарашли Бўстонлик туманидаги «Чимё» ва «Хумо», агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитасига қарашли «Келажак», «Бойчечак» оромгоҳларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Нурали ЖАМИЛОВ, Тошкент вилоят касабга уюшмалари Кенгашининг маъсул ходими.

Меҳнат муҳофазаси

ЎЗЛАРИНИ ЎЗЛАРИ АЛДАШДИ

Жиззах вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасига Пахтакор туман прокуратурасидан хат келди. Унда фуқаро У.Эргашевнинг иш жараёнида тан жароҳати олганлик ҳолати бўйича техника хавфсизлиги қондалари юзасидан текшириш ўтказиб, аниқлик киритиб бериш сўралди.

Корхона раҳбари вилоят меҳнат бошқармасига хабар бериши лозим эди. Лекин раҳбар ундай қилмади. Оқибатда туман прокуратураси бахтсиз ҳодиса юзасидан хабардор бўлди. Бу орада турли чалқашликлар ҳам келиб чиқди. Масалан, корхона маъмурияти ишнинг ёпиш мақсадида раҳбарнинг 1999 йил 20 ноябрдаги 90-сонли буйруғини тайёрлаб, гўёки бу бахтсиз ҳодиса ишчи У.Эргашевнинг меҳнат таштили пайтида рўй берган, демоқчи бўлди.



Суратда: Кўприк қурилишидан лавҳалар. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

МАРОҚЛИ ДАМ ОЛМОҚДАЛАР

Вилоятимиздаги болалар оромгоҳларида биринчи навбатда 8017 ўғил-қиз дам олиб даволанди. 66 та оромгоҳда болалар билан турли тадбирлар ўтказилди. Санаторий туридаги 10 та оромгоҳда эса физиотерапевтик ва бошқа турдаги даволаш ишлари олиб борилди. «Тарихингизни биласизми?», «Ўйла, изла, топ», «Ўзбекистон — Ватаниманим», «Мен севган адиб ёки шоир», «Кувноқлар ва зукколар» сингари қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Бундай тадбирлар Хоразм электр тармоқлари қарашли «Файрат», «Хоразм ипағи» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Дўстлик», Богот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигига қарашли «Ўзбекистон» оромгоҳларида ғоят эсда қоларли қилиб уюштирилди.

«Соғлом авлод йили» тадбирларида мувофиқ Хива Меҳрибонлик уйининг 100 нафар тарбияланувчилари вилоят матлубот савдо компаниясига қарашли Урганч туманидаги «Қоромон» болалар оромгоҳида имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Вилоятимиздан 514 нафар ўқувчи Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Сумча» болалар оромгоҳида дам олиб келишди. Асосан кам даромадли, ночор, кўп болалар оилалардан ва 20 нафар «Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчиларидан иборат 498 нафар болалар айна пайтда ана шу масканда дам оляпти. Ш.АХМЕДОВ, Хоразм вилояти.

«Ишонч» фой этиди

Урганчлик Қаҳрамон Абдурахмоновнинг янги қурган уйи кейинги пайтларда таниш-нотанишларга кирди-чиқди бўлиб қолди. Солиқчилар сени кутатишса, бу ерда яширин қандолат цехи очилган экан. Ўша кун Қаҳрамон ҳамқишлоғи Маримбой Қўчқоровга 12 килограмм новвот ва 2 килограмм «Кофейная» ёрлиғига ўралган ирсини 3700 сўмга сотиб турган эди.

НОВВОТНИНГ ТАХИРИ ЧИҚДИ

— Қани, цехнинг ҳужжатларини бир кўриб қўйлик, дейишди савдонинг устидан чиқиб қолган солиқчилар. — Ахир кичик қорхонангиз давлат рўйхатидан ўтказилгандир, даромад солиғи тўлаб тургандирсиз... Қаҳрамон нарида турган қўшилари Улугбек Макаримов ва Умрбек Тожиевга қаради. Чунки «уч оғайни ботириллар» юрак ютиб руҳсатсиз ва ҳужжатсиз қандолат цехи қурилишига қўл уришган эди. Мана энди нокруний хатти-ҳаракат учун жавоб бериш пайти келганда унчаловлари ҳам бошларини ҳам қилиб туришибди.

Сотишга тахт қилиб қўйилган 25 килограмм новвот, 60 килограмм «Кофейная» ёрлиғи ўралган ирис, 138 килограмм хомашё, 118 килограмм шакарни далилий ашё сифатида олдилар. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Агар Қаҳрамон ва унинг шериклари амалдаги қонун-қондаларга риоя этган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганларида бошлари бундай ноҳус савдога қолмасди, тайёрлаган новвотларининг тахир чикмасди. Наҳора, энди бошга тушганини кўз кўради.

Сурхондарё вилояти солиқ соҳасида ҳужук бузарликларга қарши тезкор қудратлари Н.Холмирзаев ва У.Мусаевнинг ҳушёрлигига ҳам ҳам-тибида текширув ўтказиб, бир талай қонунбузарликларни аниқладилар. Хондон кўздан кенчилганида 108 шиша қўлбола ароқчи харидор Фазилтдин Исматов 54 минг сўмга харид қилиб бўлган экан. Яна 120 шиша «Орзу» ароғи ўз харидорини қутиб турарди. Бундан ташқари 136 та қопқоқ, 18 литр қўлбола ароқ солиingan бангалар, сон-саноксиз ёрликлар, қопқоқловчи мосламалар ҳам яширин цехни эгаллаган эди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди. Қўлбола ароқ ишлаб чиқаришга эсли-хушли аёлнинг қандай қилиб аралашиб қолганлиги суриштирув пайтида маълум бўлса керак. Жасур НОСИРОВ.

Саволларга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

1. Ишга жойлашмоқчи бўлган шахс корхона раҳбари номига ариза ёзиши шартми?

Умуман олганда амалдаги қонунчиликда ишга киратилган шахс ариза ёзиши корхона раҳбарига мурожаат этиши шартлиги кўрсатилган эмас. Шу билан бирга таққиланган ҳам эмас. Демак, ишга жойлашмоқчи бўлган шахс хоҳишига кўра ариза билан мурожаат этиши ёки оғзаки мурожаат этиши мумкин. Иш берувчи ишга кирувчидан ариза талаб қилишга ҳақли эмас.

Айтиш керакки, баъзи ўринларда ариза билан мурожаат этиш ишга кирувчининг манфаатига хизмат қилиши мумкин: бир шахс корхонада унга мақбул келадиган иш (мақбул келадиган иш тушунчасини 2-саволнинг жавобидан қаранг) борлигидан хабардор бўлиб корхона раҳбарига учрашди. Раҳбар эса қайсидир сабабларга кўра (ишга жойлашмоқчи бўлган шахсга номаълум сабабларга кўра) уни ишга қабул қилишни рад этса, ишга жойлашмоқчи бўлган шахс нима қилиши мумкин? Биз биламизки, ишга қабул қилиш юзасидан мурожаати рад этилишидан норози бўлган шахс бу масалада судга мурожаат этиши мумкин. Агар судда ҳақиқатда ўша корхонада ўша даврда иш сўраб мурожаат қилган шахсга мақбул келадиган иш бўлган бўлса-ю, иш берувчи ишга қабул қилишни гайри қонуний рад этгани исботланса, суд иш берувчига шахс иш сўраб мурожаат этган биринчи кундан уни ишга қабул қилишни ва ўтган барча давр учун (бу давр мажбурий бекор юрилган давр деб ҳисобланади) унга ўша сўралган иш (лавозим) учун белгиланган иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлашни юклайди. Мана шундай ҳолларда ариза билан мурожаат этилган бўлса, ҳақиқатда мурожаат этилганини судда исботлаш осон бўлади, чунки Меҳнат Кодексининг 78-моддаси 3-қисмига биноан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этса, ишга кирувчининг талаби билан рад этишнинг сабабини асослаб уч кун ичида ёзма жавоб бериши шарт ва бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.


2. Мақбул келадиган иш ўзи нима?

Мақбул келадиган иш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига ва Аҳолининг бандлиги ҳақидаги қонунда берилган бўлиб, жумладан Меҳнат Кодексининг 61- моддасида куйидагича тартибланади.

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки тайёрликни талаб қилмайдиган иш, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёрлигига мос бўлган, ёшнинг, соғлиги ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш ҳисобланади.

Мана шундан келиб чиқиб биринчи саволнинг



жавобига қисман қайтадиган бўлса, ишга жойлашмоқчи бўлган шахс, айтилик, касби-кори бўйича электромонтёр бўлса ва ўша корхонада шу касб бўйича бўш иш ўрни мавжуд бўлса, шу иш унга мақбул келадиган иш ҳисобланади.

3. Ишга қабул қилишда шахснинг варақа, таржимай ҳол, аввалги иш жойидан тавсифнома (характеристика) кабилар нима учун сўралади?

Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 80-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар куйидагилардан иборатдир:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса - тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва турар жойидан маълумотномани;

меҳнат дафтарчасини, биринчи марта ишга киратилган бундан мустасно. Уриндошлик асосида ишга киратилганлар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойларидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки қақрилувчилар тегинишга ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақида гувоҳномани;

маҳсус маълумотга ёки маҳсус тайёрликка эга шахсларга бажариши мумкин бўлган ишларга (масалан ҳайдовчи, электр пайвандчи, электромонтёр, шифокор, юрист ва ҳ.к.) киратилганда олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида дипломни ёхуд бошқа тегиниш ҳужжатни (масалан ҳайдовчилик гувоҳномасини, электр пайвандчилиги ҳақида гувоҳнома ва ҳ.к.) тақдим этади.

Ишга қабул қилишда ишга киратилган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Кўриниб турибдики, қонун ҳужжатига ҳеч қандай шахсий варақа, таржимай ҳол, тавсифнома ва бошқалар кўрсатилган эмас. Демак ишга жойлашадиган одамдан бу нарсаларни тақдим этишни талаб қилиш ноқонунийдир. Агар шу нарсалар маъмурият учун зарур бўлса, у ҳолда ходимни ишга қабул қилганидан сўнг иш ҳараёнида ушбу ҳужжатларни тахлаб қўйиши мумкин.

4. Корхона раҳбари ишга қабул қилишни рад этиши мумкинми?

Бу саволга қисқа қилиб «ишга қабул қилишни гайри қонуний равишда рад этиш мумкин эмас» деб қўйсак ҳам бўларди. Лекин биз бунга батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Жинси, ёши, irqи, мил-

лати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Мана шу жиҳатларга қараб (айтилик, «менга аёл киши эмас эркак киши керак», «бу фалон миллат вакили экан, фалон миллатдан бўлганда олар эдим», «бу динга эътиқод қўйган экан» каби вазлар билан) ишга қабул қилишни рад этиш мумкин эмас.

Иш берувчи томонидан ишга тақлиф қилинган шахс аввалги ишидан бўша келгандан кейин ҳеч қандай ваз билан уни ишга қабул қилишни рад этиши мумкин эмас.

Корхонадаги иш ўринларига ўрнатилган квота ҳисобига юборилган шахсларни ҳам ишга олмас-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ОЛИЙ ВАҚТ

лик мумкин эмас. Квота деганда, «Аҳолининг бандлиги ҳақида»ги қонунга биноан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маълум бир миқдордаги иш ўринларини банд қилиб қўйиш тушунилади.

Ҳомилалар аёлларни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни айнан шу сабабларга кўра ишга олмасликка ҳам йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида»ги қонунга биноан аввал шу корхонада ишлаб ногиронлиги туфайли ишдан бўшаган ходим, меҳнат қобилиятини тиклагандан сўнг шу корхонага ишга жойлашмоқчи бўлса, уни ҳам ишга қабул қилмаслик ноқонуний бўлади.

Кўриниб турибдики, умуман олганда ишга қабул қилишни рад этиш фақат қонунга асосланган ҳоллардагина мумкин экан.

Масалан, бир шахс у ёки бу сабаблар билан судланган ва суд унга жазони ўтаб бўлгандан сўнг муайян бир ишни бажаришни ёки лавозимни эгаллашни маълум муддатгача эгаллашни тақиқлаб қўйишга жазо қўлланган бўлса, суд белгиланган муддат ичида шу одамни мана шундай ишларга қабул қилишни рад этиш қонуний бўлади. Бошқа мисол, фараз қилайлик, қонун ҳужжатларида бирон бир ишга қабул қилишдан олдин ишга кирмоқчи бўлган шахсни тиббий кўриқдан ўтиши шарт қилиб белгиланган. Мана шу ходим тиббий хулосага кўра шу ишда ишлаши мумкин эмас. Бундай ҳолда уни ҳам ишга қабул қилишни рад этиш тўғри бўлади.

5. «Ишга қабул қилишда камситиш» деганда нима тушунилади?

Ишга қабул қилишда камситишга кўп масалаларни киритиш мумкин. Масалан, бирон бир ўқув юртига бир оёғи ёки бир қўли ампутация қилинган шахсни шу кўрсаткичларини рўқач қилиб ўқитувчи лавозимига қабул қилмаслик, бу - ишга қабул қилмаслик бўлади. Юз тузилишида бирон бир нуқсон бор шахсни ошпазликка ёки сотувчиликка олмаслик ҳам камситиш ҳисобланади. Бундай олимсоларни кўллаб келтириш мумкин. Бу ўринда мавжуд қонунларимизга таяниб шундай дейиш мумкин.

Меҳнат Кодексининг 6- моддасида айтилишича жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ёки мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимнинг ишчанлик қобилиятларига ва унинг меҳнат натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнат муносабатларида ҳар қандай чеклашлар ёки имтиёзлар белгилаш камситиш ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида гамжўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

6. Қайси тоифадагилар ишга жойлашмоқчи бўлган шахснинг имтиёзларга эгалар?

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга - ишга жойлашмоқчи қонунчиликка биноан қўшимча қафолатлар берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида»ги қонунда ногиронларга қўшимча имтиёзлар берилган бўлиб, унга биноан иш берувчи шу корхонадаги квоталанган иш ўрни ҳисобига ишга юборилган ногиронни ишга қабул қилмаслиги мумкин эмас.

Иш тоифида қийналадиган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларга - ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ёки ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота - оналарга; таълим муассасаларини битирган ёшларга; Ўзбекистон Республикасида Кунролли кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати ва Фавақуллода вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилганларга; ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолганларга; жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки суд қарорига биноан мажбурий доволанишда бўлиб қайтганларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг маҳсус дастурини ташкил этиш, корхоналар, таъшилотлар ва муассасалар учун кўрсатилган тоифадагилар учун ишга жойлаштириш минимал иш ўринларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча қафолатлар берилади.

Ишлаб турган ходим ҳарбий хизматга қақриланган (ўтган) бўлса ва у вақти келиб шу хизматдан бўшатилган ёки истеъфога чиққандан кейин узоғи билан ун ой ичида аввалги ишхонасига келиб ишга

жойлашиш масаласида мурожаат этса, шу корхонага ишга жойлашиш (албатта бўш иш ўрни бўлса) ҳуқуқига эга. Бу ҳам қўшимча қафолат.

Ҳарбий хизматга қақриланган ходим у ёки бу сабабларга кўра муддатидан илгари заҳирага бўша-тилса ёки истеъфога чиқарилса, ҳарбий хизматга қақриланган кундан бошлаб уч ойлик муддат ўтма-ган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қай-тиб келиши мумкинлиги ҳам қўшимча қафолат-дир.

Этибор беринг-а, сўнгги иккита абзацда ёрит-ган қўшимча қафолатлар бир-бирига ўхшаб кета-ди. Лекин аслида улар бир хил эмас. Биринчиси-да ҳарбий хизматни ўтаб қайтгандан ёки истеъ-фога чиққандан кейин уч ой ичида мурожаат қилин-ган бўлса дейилапти ва аввалги ишхонасига ишга кириши мумкинлиги қафолатланяпти, иккинчиси-да эса ҳарбий хизматга қақриланган кундан бош-лаб уч ой ўтмаган бўлса дейилган ва аввалги кор-хонага ишга жойлашиш эмас, балки аввалги иши-га (лавозимига) қайтиб келиши (ишга кириш би-лан ўз лавозимига қайтиб келишнинг фарқини ту-шунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак) қафолатлан-ган.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ОЛИЙ ВАҚТ

Мана шу ҳар иккала ҳолатдаги ходимлар биз юқорида айтган вазиятларда корхонага қайтиб кел-моқчи бўлсалар-у, аммо корхона тугатилган бўлса, уларни ишга жойлашиш корхонанинг ҳуқуқий во-рисига амалга оширади. Агар ҳуқуқий ворис бўл-маса, айтилган қафолатларни маҳаллий меҳнат органлари таъминлашлари керак. Зарур ҳолларда эса уларнинг касб бўйича бепул ўқишларини таъ-минлайдилар.

Бу қафолатлардан муқобил хизматга қақри-ланган ҳам фойдаланадилар.

7. Давлат органларида (масалан, депутат-ликка) ёхуд ходимларнинг вакиллик орган-ларига (масалан касабга уюшмаларига) сайлан-ганлар ваколат муддатлари тугагач, ишга жой-лашмоқчи қандай қафолатларга эгалар?

Давлат органларида сайлаб қўйиладиган лаво-зимларга сайланганлиги боис ишдан озод қилин-ган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лаво-зим) берилиши керак. Агар бу лавозим шу давр-га келиб қисқартирилиб юборилган бўлса, ходим-га аввалги лавозимига тенг лавозим берилади. Масалан, бир корхонанинг раҳбари депутатликка сайланиб Олий Мажлисга ишга ўтган. Унинг депу-татлик ваколати беш йилдан сўнг тугади. Депу-татлик давридаги иши Олий Мажлиснинг навбат-даги қақригидан сўнг берилмаса, у аввалги раҳ-барлик лавозимига қайтишга ҳақли, агар бу лаво-зим бўлмаса (масалан, корхона тугатилиб кетган бўлса) унга ўша раҳбарлик лавозимига тенг кела-диган бошқа лавозим (бунда албатта корхона раҳ-барлиги лавозими бўлиши шарт эмас) берилиши керак.

Ходимларнинг вакиллик органларига (масалан, касабга уюшмаси органига) сайланган ва ўзининг асосий ишидан озод этилган (яъни жамоатчи-лик асосида) ходимларга интизомий жазо бериш-га, уларни иш берувчининг ташаббуси билан иш-дан бўшатилган ҳақда вакиллик органларига сай-ланган ходимларни маъмуриятнинг ташаббуси би-лан сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугагандан сўнг икки йил давомида маҳаллий меҳ-нат органининг олдидан розилигини олмай ту-риб ишдан бўшатилган йўл қўйилмайди.

Вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган ла-возимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги вако-лати тугагандан сўнг аввалги иши (лавозими) бе-рилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса - аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади. Бу ишларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда аввалги иш жойидаги корхона маъмурияти, кор-хона тугатилган тақдирда эса касабга уюшмаси хо-дим учун ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳа-қини тўлаб туради, лекин бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак, малакасини ўзгартириш учун ўқиш чоғида эса бир йил муддатгача ўртача иш ҳақи тўлаб турилади (Ўзбекистон Республикаси-ни «Касабга уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг қафолатлари тўғрисида» ги қонуннинг 19-моддаси).

8. Корхонанинг раҳбари бошқа жойда иш-лаб турган бир ходимни ўз корхонасига ишга тақлиф қилган бўлса, сўнг уни ишга қабул қил-маслиги мумкинми?

Аслида йўқ. Чунки Меҳнат Кодексининг 78- мо-ддасида айнан шундай ҳолат, яъни иш берувчи то-монидан ишга тақлиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик ишга қабул қилишни гайриқону-ний рад этиш ҳисобланиши аниқ кўрсатилган. Ҳаётда эҳтиш нарса бўлиши мумкин. Ҳаётда уч-раб турадиган барча вазиятларни қонунда кўрса-тиб ўтишининг деярли имконияти йўқ. Дейлик, кор-хона раҳбари бир одамни ишга тақлиф қилди. У одам тақлифга қўниб аввалги иш жойидан ишдан бўшаб келди. Янги келатган ишга қабул қилиш-дан олдин меъёрий ҳужжатга кўра ходим тиббий кўриқдан ўтиши лозим. Фараз қилайлик, шу хо-дим тиббий кўриқда мана шу ишда ишлаши мум-кин эмас деб топилди, яъни ишнинг саломат-лигига тўғри келмайди. Раҳбар нима қилади? Ал-батта ишга қабул қила олмайдди. Демак, рад эта-ди. Бошқа мисол, тақлиф қилинган ходим ишга жойлашиш учун келганда маълум бўлдики, у суд-нинг қарорига биноан бундай ишни бажаришдан (лавозимни эгаллашдан) маҳрум этилган экан. Ҳўш, раҳбар нима қилади? Албатта, ишга қабул қилишни рад этади. Бундай мисолларни кўллаб келтириш мумкин. Ишга тақлиф қилишдан ва бун-дай тақлифга розилик беришдан олдин ҳар икка-ла томон ҳам масалани ҳар томонлама муҳокама-дан ўтказиб, ишининг барча шарт-шароитларини, керак бўлса ўзларининг талаб ва истакларини

очиқчасига гаплашиб олишлари мақсадга мувофиқ-дир.

9. Маҳаллий меҳнат органлари (меҳнат бир-жалари) томонидан йўлланган йўқ экан деб ишга қабул қилмаслик мумкинми?

Йўқ. Сабаби, Меҳнат Кодексининг 80- моддаси-да ишга қабул қилишга талаб қилинадиган ҳўж-жатлар рўйхати кўрсатилган бўлиб унда маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган йўллан-ма ўз аксини топган эмас. Бундан ташқари Кодек-сининг 78- моддасида айтилган «ишга қабул қили-ши ноқонуний рад этиш» нормаси мустақил ўзи иш сўраб мурожаат қилган шахсга ҳам ва маҳал-лий меҳнат органлари томонидан ишга юборилган шахсларга ҳам тенг тарзда тадбиқ этилади. Шу-нинг учун саволда кўрсатилган ваз билан ишга қабул қилмаслик гайриқонуний ҳаракат бўлиб, бу-нинг учун ишга жойлашмоқчи бўлган шахс судга ёки тегиниш меҳнат инспекцияларига (бундай ин-спекциялар Меҳнат вазирлиги ва унинг жойларда-ги органларида ҳамда касабга уюшмалари орган-ларида мавжуд) мурожаат қилишлари мумкин.

Шу билан бирга айтиш керакки, иш берувчининг бундай ҳаракати ҳар бир шахсга мустақил равиш-да касб танлашларини қафолатлайдиган Конститу-циямизга (Конституциянинг 37-моддасига) ҳам зид-дир.

10. Қайси ҳолларда ишга қабул қилишни рад этиш қонуний деб ҳисобланади?

Меҳнат Кодексига айтилганидек, ишга қабул қилиши ноқонуний рад этиш мумкин эмас. Ишга қабул қилиш рад этилган чоғда у қай даражада қонуний ёки ноқонуний эканлигини аниқлаш учун ҳар бир ҳолда алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб, сўнг баҳо бериш керак бўлади.

Саккизинчи саволнинг жавобида ишга қабул қилишнинг қонуний асосда рад этилишига иккита мисол келтирилди. Бундан ташқари қонунчилик асо-сида ишга қабул қилишда бир қатор чеклашлар белгилаб қўйилганмик, бу чеклашларни бажариш мажбурийдир. Масалан, Меҳнат Кодексининг 79-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва кизлар, эр-хотинлар, шунинг-дек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) агар, улардан бири иккинчисига бевосита (эйтибор беринг, «фақат бе-восита, билвосита эмас) бўйсуниб ёки унинг назо-рати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасига (яна эйтибор беринг, айнан давлат корхонасига, мулкчиликнинг бошқа формаларида-ги корхоналарда эмас) бирга хизмат қилишлари тақиқланиши кўрсатилган. Демак, айтилик, бир давлат корхонасига цех бошлиғи ишлаб турган бўлса, айнан шу цехга мастерлик лавозимига унинг қариндоши иш сўраб келганда, унга ишга қабул қилишни рад этиш қонуний ҳисобланади. Шу Ко-декснинг 225- моддаси меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳ-натидан фойдаланишни тақиқлайди, ер остидаги баъзи ишлар (ҳисмонини бўлмаган ишлар ёки са-нитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бун-дан мустасно. Демак, мана шундай ишларга кир-моқчи бўлиб келган аёлларни ишга қабул қилмас-лик қонунийдир. Шунингдек, Кодекснинг 241- мо-ддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳ-натидан фойдаланишга нисбатан ҳам чеклаш бел-гиланган бўлиб, унга мувофиқ шу тоифадаги хо-димларнинг соғлиги, ҳавфсизлиги ёки аҳолиқ-одо-бига зийн етказиши мумкин бўлган меҳнат шароит-ти ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа шу каби ишларда уларнинг меҳнатидан фойдала-ниш мумкин эмас. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шах-сларнинг белгиланган қўйилган нормадан ортқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Аёлларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим-ларнинг меҳнатларидан фойдаланиши мумкин бўлмаган ишларнинг рўйхати Ўзбекистон Респуб-ликасининг Меҳнат вазирлиги томонидан 1996 йил 2 апрелда тасдиқланган бўлиб, Адлия вазирлигида 248-рақам билан ўша йили 28 майда рўйхатдан ўтказилган. Улар учун кўтариш ёки ташиш мумкин бўлган оғирликларнинг санитар нормаси Ўзбеки-стон Республикасининг Бош санитар ҳақими томо-нидан 1996 йил 19 мартда тасдиқланган (бу рўйхат-лар анчагина катта бўлганлиги сабабли уларни кел-тиришини иложи бўлмади).

11. Фуқаро неча ёшдан ишга жойлашиши мумкин?

Амалдаги қонунчиликнинг умумий асосларига кўра ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан рухсат этилади. Аммо, шу билан бирга бу қоидадан ис-тисно ҳам бор. Бу истиснога мувофиқ биринчидан ўн беш ёшдан ҳам, иккинчидан ўн тўрт ёшдан ҳам ишга қабул қилишга рухсат берилади. Сизда «Нима учун биринчидан, иккинчидан?» деган савол турги-лиши мумкин.

Биринчидан - ўн беш ёшга тўлганлар ишга қабул қилиш учун қонуннинг бошқа талабларини бажариш (масалан, ишга жойлашаётган шахсни да-стлабки тиббий кўриқдан ўтказиш, саломатлик учун зарарли бўлмаган иш танлаш, юк кўтариш ёки та-шиши белгиланган нормадан ошқ бўлмаслиги ва ҳ.к.) билан бир қаторда яна битта қўшимча шарт-ни бажариши керак, у ҳам бўлса ишга жойлашаёт-ган шахсинг ота-онасидан (уларнинг ўрнини бо-сувчидан) бирортасининг ёзма равишда берган ро-зилигини олиш шарт.

Иккинчидан - ўн тўрт ёшга тўлган шахсни ишга қабул қилишда иш берувчи, юқорида мисол тариқсига келтирилгани каби шартлар билан бир қаторда куйидагиларни бажариши шарт. Ишга жой-лашаётган шахсинг ота- онасидан (уларнинг ўрни-ни босувчидан) бирининг ёзма равишда берган ро-зилигини олади. Бу шахс албатта ўқувчи бўлиши (фақат ўрта мактабда бўлиши шарт эмас) шарт. Ўқув йили давомида бу ёшдагилар учун белгилан-ган иш вақтининг (билимизки, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлганларга ҳафталик иш вақтининг максимал миқдори 24 соат қилиб чеклаб қўйил-ган) ярмигагина, яъни ҳафталик иш соати 12 соат-дан ошмаган ҳолда ишга қабул қилиши мумкин. Иш берувчи яна шунга ҳам эътибор бериши керак-ки, бу шахсга топшириладиган иш на ўз режими-дан ва на маънавий томонидан ўспириннинг таъ-лим олишига ҳамда унинг тарбиясига салбий таъ-сир кўрсатмайдиган бўлиши керак.

Шу ўринда иш вақтининг давомийлиги ҳақида яна бир бор эслашни лозим топдик. Меҳнат ко-дексининг 115- моддасига биноан иш вақтининг нормал муддати (ўн саккиз ёшдан катталар учун) ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Шу Ко-декснинг 242- моддасида ўн саккиз ёшга тўлма-ганлар учун қисқартирилган иш вақти белгиланган бўлиб, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига 36 соатдан, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун (ўқув йили давридан ташқ-ари вақтда) ҳафтасига 24 соатдан ошиб кетмасли-ги кераклиги белгилаб қўйилган.

(Давоми бор).

Туронзамин даргалари



ПОЙИГА ЭЛЧИ ТИЗ ЧЎККАН

Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ илмларининг раънақиға у...

рига зид ҳар хил бидъатлардан аҳли сунна ва валжамоани, ақидада эътиқодни муҳофаза қилиш ва омон сақлаш мақсадида калом илми вужудга келди.

«Насойим ул-муҳаббат» асаридеъ эъзади: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш.

Дўппи ўзбек халқининг миллий рамзи, гурурига айланган. Дунёнинг қай бурчағида бўлманг, дўппи кийган кишини кўрсангиз «Ўзимизнинг ўзбек» деб дилингиз ёришади.



Суратда: Ургут дўппилари. Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

НОН ТАРИХИДАН

«Нон» сўзининг келиби чиқиши Греция новвойлари номи билан боғлиқ. Улар нон тайёрлашда махсус шаклли идиш-товолқанлар фойдаланишган.

♦Ер юзидеъ энг иссиқ жой Ливиянинг Триполи шаҳрига яқин ҳудуддадир. Бу ерда иссиқлик ҳарорати 58 даражагача етди.

♦Ер юзидеъ энг кўп шамол бўладиган жой — Виктория еридир (Антарктида). Бу жойда шамол тезлиги баъзан секундида 80 метрдан ошади.

ҲЕЧ КИМ ЕНГИЛИШНИ ҲОҲЛАМАЙДИ

Бу сатрлар ёзилаётганда йигирма иккинчи турнинг аҳамиятли учрашувларидан бири - «Дўстлик ва «Зарафшон» ўртасидаги ўйин бошланмаган.

тақдим қилмоқда. Йигирма иккинчи тур ҳам бундан мустасно эмас. Ўзини баҳо беринг: «Андижон» билан бўлган учрашуви 2:4 ҳисобида бой берётган «Сўғдиёна» вазиятни тенглаштириб, ўз муҳлисларининг миннатдор қарсаклари остида майдонни тарқ етди.

жалар қайд этилди: «Металлург» - «Сурхон» - 2:1, «Пахтакор» - «Кизилкум» - 2:2, «Семурғ» - «Бухоро» - 1:1, «Хоразм» - «Темирйўлчи» - 1:3, «Турон» - «Навбахор» - 0:0.

Йигирма иккинчи турдан кейин турнинг жадрвали. Table with columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т, Н, О. Lists 20 teams and their scores.

Қишлоқ кутубхоналарида ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТУВЧИ НУР

Мазнавий оламимизни нурлантирувчи, яхши хислатларни тарбияловчи китоблар. Шу боис ҳам унга ошно тугинмаган, унга суянмаган маърифатли зот йўқ оламда.

зилаяптики, бу бир қадар китобхонни зиё масканидан узоклаштириб қўяпти. Кези келганда, кутубхона фондларидаги аксар адабиётлар мазмунан эскирганини ҳам эътироф этмоғимиз лозим.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиққа бошлаган. МАНЗАЛИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.30. Буюртма Г— 724. 1 2 3 4 5 6